

"Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган"

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАР

ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

...Барчамиз севиб томоша қиладиган "Табий" фильми эсингиздами? Оғир ҳолатдаги беморни кўриб, "аҳволи жуда чатоқ. Бу ўринда тиббиёт оғзис", деган шифокорга қарата табиб шундай дейди: "Агар асбобларим бўлганида эди..." Фильм давоми, воқеалар ривожини биласиз: табиб докторнинг асбоб-ускуналарини яширинча олиб қолиб, бемор ҳаётини сақлаб қолади...



ишларга қўл урилади. Буни Ўзбекистон тиббиёт асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар уюшмаси фаолиятида ҳам яққол кузатиш мумкин. Уюшманинг асосий мақсади юртимиздаги тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар ишлаб чиқарувчи ҳамда чет элдан олиб кирувчиларнинг манфаатларини ҳимоя

қилиш, шу орқали халқимизни сифатли тиббиёт асбоб-ускуналари ва жиҳозлари билан таъминлашдан иборат. Уюшма 20 дан ортиқ доимий аъзосига эга бўлиб, импорт ўрнини босувчи, арзон, юқори сифатли, ишончли тиббий асбоб-ускуналарини ишлаб чиқаради ва уларга сифатли техник хизмат кўрсатади. Шу кунга қадар Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси билан ҳамкорлик меморандумларини имзолаган уюшма юртдошларимизнинг тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини қондиришга кўмаклашиш ва миллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини чет давлатларга экспортини таъминлаш борасида қатор йирик лойиҳаларни амалга оширишда.

Уюшма маҳаллий тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар соҳасини янада такомиллаштириш ва янги инновацион технологиялар асосида маҳсулотларнинг янги турларини яратиш учун яқин кўмақдош бўлибгина қолмасдан унинг бевоқиф иштирокчисига ҳам айланаётир.

— Бугунги давр шифокорининг беморга сифатли тиббий хизмат кўрсатишида замонавий тиббий асбоб-ускуналарнинг ўрни беқиёс, — дейди Ўзбекистон тиббиёт асбоб-ускуналар

ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар уюшмаси раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Отабек Жиянбоев. — Беморнинг шифо топиши ва тиббий хизматдан рози бўлишида шифокор малакаси ва тажрибасидан ташқари у ишлатаётган тиббий асбоб-ускуналар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур уюшма ана шундай талаб ва эҳтиёж натижасида ташкил топган. Қолаверса, миллий ишлаб чиқарувчи корхона, фирма маҳсулотларининг чет элга экспортини ташкиллаштириш, ишончли ва доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида ҳам муҳим ишларни бажармоқда.

Тиббиёт ривожини, ўз навбатида, тиббий чиқиндилар муаммосини ҳам юзага келтираётгани сир эмас. Масалан, бир вилоятда кунига ўртача 4,5-5 тоннагача бўлган тиббий чиқинди утилизация жараёнини кутмоқда. Буни агар республика миқёсида оладиган бўлсак, бир кунда ўртача 70-80 тонна тиббий чиқинди тўпланаётгани аён бўлади. Ўзбекистон тиббиёт асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар уюшмаси мазкур муаммо ечимини сифатида Наманган шаҳрида марказлашган муфел печини ишга туширди. Печ шу ой бошидан ишга тушган бўлиб, бир кунда ўртача 900 килограмм тиббий чиқиндини тежамкор ва экологик тоза усулда ёқиш имконини бермоқда. Уюшма келгусида мана шундай печларни бутун республика бўйлаб ўрнатиш ва тиббий чиқиндилар муаммоси ечимига муносиб ҳисса қўшиш ниятида.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг 9-10 март кунлари Тожикистон Республикасига давлат ташифи доирасида Душанбе шаҳрида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" номи остида мамлакатимизда тайёрланган саноат маҳсулотлари миллий кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Ўзбекистон тиббиёт асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар уюшмаси ҳам мазкур кўргазмада фаол иштирок этди. Уюшма фаолияти кўшни Тожикистон Республикаси тадбиркорлари ва соҳа вакилларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Ислоҳжон ҚўЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

МММда

Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мамлакатимиз хунармандлари учун ўз фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришда янада кенг имкониятлар эшигини очди. Бунинг самарасида хунармандчилик ва халқ амалий санъати билан шугулланувчи фуқаролар ва оилалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

ХУНАРМАНДЛАР
ИМКОНИАТИ КЕНГАЙМОҚДА

Миллий матбуот марказида "Хунарманд" уюшмаси ташкил этган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.

Айни пайтда мазкур уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этилган 13 бошқармаси ҳамда 92 туман (шаҳар) бўлимлари мавжуд. Уларда 18 мингдан зиёд хунарманд бирлашган. Шундан 5 минг 266 нафари хотин-қизлар, 5 минг 416 нафари 30 ёшга бўлган хунармандлардир.

— Давлатимиз хунармандлар учун яратилган имтиёزلарни соҳа вакиллари қувонч билан қарши олди, — дейди "Хунарманд" уюшмаси раиси ўринбосари Ақобир Ҳақимов. — Бугун хунармандчилик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажминини ошириш, ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, улар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида жорий йилда дунёнинг 20 дан ортиқ давлатида, жумладан, Германия, Швейцария, Россия, Италия, Англия, Жанубий Корея, Малайзия, Озарбайжон, Эрон, АҚШ, Украина, Франция, Греция, Туркия, Хитой, Испанияда 113 кўргазма ва ярмаркалар ўтказилиши кўзда тутилган. Бу халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришда хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ешларга оид давлат сиёсатининг амалдаги ижроси сифатида уюшма ва унинг ҳудудий бўлинмалари 2017 йилда 1 минг 326 "Уста-шоғирд" мактаби ташкил этди, уларда 3 минг 846 нафар ёш хунар ўрганди. Айни пайтда "Уста-шоғирд" мактаблари сони икки мингтага, шоғирдлар эса 7 минг 356 нафарга етди.



Тадбирда таъкидланганидек, уюшманинг расмий веб-сайтида миллий хунармандчилик маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда сотиш имконини берувчи интернет-магазин мижозлар учун хизмат кўрсатаётир. Уюшма таъсисчилигида "Uz craft and art" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Мазкур корхона келгусида республикамизнинг туристик объектлари, диққатга сазовор жойлари, ҳудудлардаги хунармандчилик марказлари ҳамда бир қатор бозорларда "Арт салонлар", яъни амалий ва тасвирий санъат асарларининг савдо харид ишлари билан шугулланувчи дўконлар ташкил этишни режалаштирган. Ушбу корхона хунармандларга ўз маҳсулотларини реализация қилиш, сотиш ва чет элга олиб чиқишда хизмат кўрсатади.

Тадбирда уюшманинг 2018-2019 йилларга мўлжалланган манзилли дастури ва истиқболдаги лойиҳалар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Нигора НИШОНБОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

РЕКЛАМА

"САМАРҚАНД ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Юртимизда яшаётган барча
миллат ва элат вакиллари —
бутун халқимиз учун
энг суюкли байрам

НАВРЎЗ АЙЁМИ

билан барча
юртдошларимизни
қутлайди.

ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

Хизматлар лицензияланган.

"INTER KRISTAL SAVDO SERVIS" МЧЖ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни
боқий байрам,
шарқона янги йил —

Наврўзи олам

билан муборакбод этади.



Янгиликлар ва яшариш айёми юртимизга, ҳар бир
хонадонга қут-барака олиб келсин!

Хизматлар лицензияланган.

Музейда бир кун

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ХАЗИНАСИ



Ўзбек халқ амалий санъати қадимий тарих, ўзига хос анъана ва бетакрор услубга эга. У айни шу эҳтиботи билан нафақат халқимиз, балки чет эллик сайёҳларнинг ҳам эътиборини торттиб келади.

Бугун Президентимиз ташаббуси билан кўп соҳалар қаторида мавжуд музейлар фаолияти ва йўналишлари ҳам аниқ белгиланмоқда...

Музей биносини безашда юртимизнинг барча ҳудудидан келган кўли гул усталарнинг хизмати бекиёс...

ро каштачилигида ўсимликсимон нақшлар устунлик қилса, Нуротада майда ўсимликлар, нақшлар билан бирга жонли мавжудотлар тасвирини тушириш кенг оммалашган...

Бухоро, Хоразм ҳудудларида кенг фойдаланилган. Ичида тез айнийдиган маҳсулотлар сақлаиб, сирланмаган қисми нам тупроққа кўмилган ушбу хум замонавий тил билан айтаганда...



Муҳторбек АБДУЛЛАЕВ, Сардор МУЛЛАЖОНОВ (фото), "Milliy tiklanish" мухбирлари билан ажралиб туради. Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё услубида эса олов ранг (бу — кўешини англатади), қизғиш ва яшил ранг устувор.

Хунармандларимиз

“ОТ МИНГАННИНГ ҚАМЧИСИ БЎЛСИН...”

ДЕЙДИ ПАСТДАРҒОМЛИК 81 ЁШЛИ ХУНАРМАНД

Миллий қадриятларимиз, миллий спорт ўйинлари сирасига кирувчи улоқ-қўпқари азалдан йиғитларни мардлик, қаққонлик ва ҳалоллик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этган.



Қамчи яшас хунармандликнинг ноёб тури саналади. Унинг учун хомашё йиғиш, керакли ўлчамга келтириш ва тўқиш, нафис безаклар бериш хунарманддан тажриба ва маҳорат талаб қилади.

деганларидек, бу хунарни отамдан кейин мен давом эттиряпман. Ҳозирда ўғлим Ақром Исмоилов, набираларим Жаҳонгир ва Адҳам Нурматовлар ҳам қамчи яшас сирларини пухта билади.

Нурмат бобо 1951-1996 йилларда хўжаликда ҳайдовчи бўлиб ишлаган кезлари ҳам сулолавий хунарича давом эттирган. Қўпқари-улоқ федерациясининг Самарқанд вилояти аъзоси сифатида қатор кўргазмаларда иштирок этган.

Нурмат бобо 1951-1996 йилларда хўжаликда ҳайдовчи бўлиб ишлаган кезлари ҳам сулолавий хунарича давом эттирган. Қўпқари-улоқ федерациясининг Самарқанд вилояти аъзоси сифатида қатор кўргазмаларда иштирок этган.

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

БАҲОРНИНГ ФЙДАЛИ, ТАНСИҚ ТАОМИ



Баҳор фасли, айниқса, Наврўз байрамини сумалаксиз тасаввур қилиш қийин. Манбаларда бу қадимий таомнинг тарихи уч минг йилдан ортққ дейилади.

Хушхўр, дармондориларга бой сумалакнинг саломатликка фойдали жиҳатлари илм-фанда исботланган. Сумалак пишириш билан боғлиқ қадриятларнинг ўз тарихи бор. Зукко аждодларимиз фаслар алмашадиган пайтда инсон вужудида рўй берадиган ўзгаришларни теран англаб, эрта баҳорда организмнинг дармондориларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплайдиган ва кишига саломатлик, куч-қувват бахш этадиган сумалак, ҳалим, кўк сомса каби таомлар пиширган.

БИЛАСИЗМИ?

Дунёдаги илк осмонўпар иншоот 1885 йилда АҚШнинг Чикаго шаҳрида бунёд этилган бўлиб, унда суғурта компанияси ("Home Insurance Building") фаолият кўрсатган.

ТУРФА ОЛАМ

ҚАНОТЛИ ЯХТА



Бирлашган Араб Амирликларида "Foiler" номли қанотли яхта ихтиро қилинои, дешилади "techevesti.ru" сайтида.

"Foiler" электр двигател воситасида ҳаракатланади. Яхта остки қисмига ўрнатилган, икки томонга очиладиган ҳамда чанғи вазифасини бажарадиган қанотларга эга. Бу унинг тўлқин бўлганида бир ярим метрга қўтарилган ҳамда ўз мувозанатини бир хилда сақлаш имконини беради.

ЯНГИ ПОЕЗД — ЮҚОРИ ТЕЗЛИК



Пекин шаҳрида "CRRC Tangshan" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган умумий узунлиги 415 метр бўлган 16 та вагондан иборат юқори тезликда ҳаракатлана олади.

Чанғи яхтанинг нархи маълум қилинмаган. Янги поездининг тезлиги соатига 315 километрга етади. Поезд 1,1 миңдан ортққ йўловчига мўлжалланган. Компания поезд жами 28 маротаба синовдан ўтказилиши, шундан сўнг уни лойиҳалаштириш ва тайёрлашга руҳсат олиниши билдирди. Поезд тўлиқ Хитоюда ишлаб чиқарилган бўлиб, узоқ муддат ва ишончли хизмат қилиши кутилмоқда.

ШАҲЗОД ҒАФҒОРОВ тайёрлади.

ЎЗМТДП Бухоро вилоят кенгаши партия Вобкент туман кенгаши етакчи мутахассиси Беҳрўз Наврўзоева отаси Ботир НАВРЎЗОВнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.